

А Ж Р И М

(жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақида)

2025 йил март ойининг 26 куни жиноят ишлари бўйича Зомин туман судининг очик сайёр суд мажлиси Зомин тумани, Халқобод м.ф.й. биносида бўлиб, раислик қилувчи Ш.Шамшиев, судья ёрдамчиси Ш.Яхшибоевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси

А. Эрматов
нинг иштирокида,

Судланувчи

муқаддам:

1. жиноят ишлари бўйича

куни жазони ўтаб чиққан,

2. жиноят ишлари бўйича Зомин туман судининг

айблов далолатномаси

нусхасини 2025 йил 3 март куни олган.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 2-қисми билан айбланган [REDACTED] га нисбатан 1-1307-[REDACTED]-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] И.Жуманов фуқаролик ишлари бўйича [REDACTED] Фарбод туманларaro судининг 2017 йил 23 июлдаги суд бўйруғига асосан икки нафар вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун жабрланувчи [REDACTED] И.Иргашева бошқасига [REDACTED] ш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/3 қисми миқдорида алимент тўлаши белгиланган бўлса-да, икки ойдан ортиқ муддат давомида алимент тўловларини тўлашдан бўйин товлаганлиги сабабли жиноят ишлари бўйича Зомин туман судининг 2022 йил 23 августдаги қарорига асосан 15 сутка маъмурий қamoқ жазоси тайинланиб, маъмурий жазо қўлланилганидан кейин 2022 йил август ойидан 2023 йил апрель ойига қадар алимент тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлаганлиги сабабли, жиноят ишлари бўйича Зомин туман судининг 2023 йил 26 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан 1 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганидан кейин ҳам ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, хавфли рецидивист бўлгани ҳолда 2023 йил 1 апрель кунидан 2025 йил 1 январь кунига қадар жами 30.608.875 сўм алимент пулларини тўламасдан, вояга етмаган фарзандларини моддий таъминлашдан қасддан бўйин товлаган.

Судда, судланувчи [REDACTED] айбига тўлиқ иқrorлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам алиментдан қарздorлиги бўлганлиги сабабли жиноят ишлари бўйича Зомин туман судининг 2022 йил 23 августдаги қарори билан 15 сутка маъмурий қamoқ жазосини ўтаб чиққанини, давлат ижрочиси томонидан маъмурий жавобгарликка тортилганидан кейинги даври учун ҳисобланган алимент пулларини тўламаганлиги сабаби жиноят ишлари бўйича Зомин туман судининг 2023 йил 26 майдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан судланганини, жазони ўтаб чиққанидан сўнг бир жойда шу кунгача ишламасдан келганини, топган пуллари ўзидан ва рўзғоридан ортмаганлиги учун алимент қарздorлигини тўлай олмаганини, ҳозирги кунда жабрланувчи [REDACTED] евадан кечирим сўраб, тўланмаган алимент пулларини тўлиқ қоплаб берганини ва жабрланувчи билан ўзарo ихтиёрий ярашиб олганлиги сабабли, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] И.Иргашева судда, ҳақиқатдан ҳам И.Жуманов собиқ турмуш ўртоғи бўлишини, И.Жуманов фарзандлари учун алимент пулларини тўламасдан бўйин товлагани ҳам суднинг [REDACTED] ҳукмига асосан судланганини, бироқ [REDACTED] И.Жуманов жазони ўтаб чиққанидан сўнг ҳам алимент пулларини тўламасдан келганини, ҳозирги кунда [REDACTED] тўланмаган жами 30.608.875 сўм алимент пулларини тўлиқ қоплаб берганлиги сабабли унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, у билан ўзарo ихтиёрий ярашиб олганлиги сабабли унга нисбатан бўлган жиноят ишини ярашув



асосида тугатишни сўраб, суд ярашув тўғрисидаги аризасини каноатлантирса, жиноят ишини қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилганини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида ушбу Кодекс 122-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс ўз айбига иқдор бўлиб, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмида жабрланувчи Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, Айбланувчи билан ярашган тақдирда, жиноят иши суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмай тугатилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27-сонли қарорининг 1-бандида, ярашув институти жиноий жавобгарликдан озод қилиш тури сифатида шахснинг айбдорлиги масаласини ҳал этмай туриб жиноят ишларини тугатиш учун асос бўлиши, 2-бандида, ярашув тўғрисидаги ариза ҳар доим ёзма шаклда тақдим этилиб, унда жиноят натижасида етказилган зарар бартараф этилганлиги (ёки жабрланувчининг зарардан воз кечганлиги) ва ярашилганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимос кўрсатилган бўлиши лозимлиги, ярашув тўғрисида иш юритиш масаласини кўзғатиш ҳуқуқига қонунда белгиланган тартибда жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) деб топилган шахс ёки унинг қонуний вакили эга эканлиги, 3-бандида, ярашув тўғрисидаги ариза суриштирув ва дастлабки терговнинг исталган босқичида, яъни шахс гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган пайтдан бошлаб, суд мажлисида эса жиноят ишини кўриб чиқаётган биринчи инстанция суди маслаҳатхона (алоҳида хона)га киргунга қадар берилиши мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, жабрланувчи ва судланувчининг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб чиқиб, туман прокурори катта ёрдамчиси [Ўзбекистон Республикаси] жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, судланувчи [Ўзбекистон Республикаси] айбига иқдорлиги ва етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, жабрланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг хоҳиши билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Қарорининг раҳбарий кўрсатмаларига риоя қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан [Ўзбекистон Республикаси] айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмасдан, жиноят ишини тугатишни;

-шунингдек, жабрланувчи [Ўзбекистон Республикаси] Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқланганидан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш



тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84, 401, 423, 586-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 2-қисми билан айбланган [REDACTED] га нисбатан бўлган жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи [REDACTED] мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

[REDACTED] нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар ўн сутка ичида шу суд орқали апелляция тартибида хусусий шикоят ёки хусусий протест, ажрим қонуний кучга киргандан сўнг, кассация тартибида хусусий шикоят ёки хусусий протестни Жиззах вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

имзо:

Ш.Шамшиев

Нусхаси аслига тўғри:

